



MILLIY TIKLANISH

31 (352)

2015 йил 5 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий ўйинчоқлар фарзандларимизни мард ва жасур, буюк аجدодларимизга муносиб авлод этиб улғайтиришга хизмат қилади

"Тарих — улуг мураббий" тадбири орқали ёшлар Қизилтепа тумани тарихи ва бугунига оид маълумотларга эга бўлишди

Жиззах шаҳридаги "Тошлоқ" маҳалласи фуқароларини ўйлантираётган масала ЎзМТДП депутати саъй-ҳаракати билан ечим топди

МУСТАҚИЛЛИК

24

ЙИЛ



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Қонунга шарҳ

Халқ ўйинлари

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг янги тахририда алоҳида тушунча сифатида киритилиб, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётир. Бу ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларининг амалдаги яна бир рўёбидир

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарориди таъкидланганидек, мустақиллик биз учун нафақат миллий давлатчилигимиз, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аجدодларимизнинг табарруқ номларини улуглаш, балки соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг жаҳондаги нуфузини янада юксалтиришнинг муҳим воситасига айланди. > 4-бет.

Семинар



Маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш

ЎзМТДПни амалий саъй-ҳаракатлар сари ундамоқда



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида мамлакатимиз ҳудудларида "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини кучайтириш" мавзусида семинарлар ўтказилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди таъкидланганидек, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган

огир ва машаққатли, айна вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислохотларимиз, кўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини чуқурроқ англашимиз, тарғиб-ташвиқ қилишимиз лозим.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Хунармандлар учун янги лойиҳа



> 3-бет.

Ер бағридаги "аждар"

Ер остида тинч ётган вулқон ҳар қандай вақтда уйғониб, инсониятга катта ташвиш келтириши мумкин



> 7-бет.

ЎзМТДП дастури — амалда

Китоб — маънавият асоси

Китобнинг инсон маънавий дунёсига таъсири бениҳоя катта. Яхши китоб инсонни юксак мақсадлар билан яшашга, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорлик, яратувчиликка даъват этади.



ЎзМТДП сайловолди Платформасининг маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар қаторида камол топиб келаётган авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсади устувор қилиб белгиланган. Партия бу борада қатор лойиҳаларни самарали амалга ошираётир.

Партиянинг Хоразм вилоят ва Янгибозор туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ўтказган "Китоб — билим чироғи" мавзусидаги тадбирда ҳам юртимизда навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобга бўлган меҳрини тобора ошириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани, хусусан, китобнинг инсон тарбиясидаги аҳамияти, аҳолини, айниқса, ёшларни китобга ошно этиш, уларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш юзасидан

ЎзМТДП фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар олдида турган галдаги вазифалар хусусида сўз борди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳудуддаги

барча таълим муассасаларида билим олаётган 13 мингга яқин ўқувчини китобхон сифатида тарбиялаш юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

> 2-бет.

Депутат сўров киритди

Айни пайтда Жиззах шаҳрида 32 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган "Тошлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарнинг марказий ҳудудларидан бири саналади. Айтиш керакки, юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган катта эътибор, кенг кўламли ислохотлар бевосита ушбу маҳаллада ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Эътиборга молик амалий ишлар


халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга интиломда

Ҳудуддаги кўплаб корхона ва ташкилотлар, маиший хизмат объектлари фаолияти аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Аммо бу ерда ҳам одамларнинг кундалик турмуши, маиший ҳаёти билан боғлиқ айрим масалалар учраб туриши табиий ҳол.

> 4-бет.

Барча йўллар энди Хивага олиб боради

Ватанимиз ўз тарихи, иқлими, жозибаси ва гўзаллиги билан жаҳон сайёҳлари эътиборини тортиб келмоқда



> 6-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

ЎЗМТДП дастури — амалда

Халқимиз ҳамisha фарзандлари ўзидан ўзиши, ҳар томонлама соғлом бўлиши учун курашиб келибди. Бугун ҳам шундай. Глобаллашув хавф-хатарларига қарши тура оладиган, ўз маънавий куч-қудратини исботлашга қодир авлод тасодифан, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунга йиллар давомида мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билангина эришиш мумкин. Бундай эзгу фазилатларга эга фарзандларни тарбиялашда эса миллий ўйинчоқларнинг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки кичкинтой табиатидаги қизиқувчанлик, тақлид қилишга мойиллик сабаб у ўйинчоқлари билан улаяди. Шу боис ўйинчоқ танлашда бола дунёқарши, тарбияси таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. У фарзандингиз ёшига мос, ақлий, жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган, энг муҳими, экологик соф маҳсулот бўлиши зарур.



Миллий ўйинчоқлар

бола қалбини асрашнинг ноёб воситаси



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий, Жиззах вилоят ва Зомин туман кенгашлари "Аёллар қаноти"нинг Зомин туманидаги 12-болалар мусика ва санъат мактабида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган ўтказган "Бетакоримсан, эгасансан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остидаги миллий ўйинчоқлар фестивали инсон камолотига хизмат қилиш, маҳаллий хунармандларнинг салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда ЎЗМТДП Марказий кенгаши аъзолари, худудий партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Дастлаб тадбир иштирокчилари вилоятнинг қўлигул уста-хунармандлари тайёрлаган кўргазма билан яқиндан танишдилар. Кўргазмадан ўрин олган қўлигуллик, ёғоч ўймакорлиги, тўқувчилик, тикувчилик, каштачилик, россомлик намуналари иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Халқ оғзаки ижодининг бетакрор дурдоналари — лапар, айтишув, ўлан ва қўшиқлар, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқаришлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Фестивални ЎЗМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Файрат Қодиров кириш сўзи билан очди: — Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида истиклол шуккуи хукмрон. Утган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада ободонлаштириш борасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилган ютуқ ва марралар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, келажак эгаларини жисмоний ва маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиб улғайишлари учун зарур барча шароит яратилгани эришадиган ютуқларимизда муҳим омили бўлмоқда. Зотан, бугундан рози ва эртанги кундан умиди бор халқнинг фарзандлари эзгулик ва маърифатга интилиб яшайди. Кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, миллий маънавий қадриятларга садоқатли ёшларни камол топтириш ЎЗМТДП сайловли Платформасида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур миллий ўйинчоқлар фестивали ушбу дастурий вазифаларнинг ижросида муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда сўз олган ЎЗМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлиги Ханифа Зокирова миллий ўзгичлик, қадрият ва ҳаёт тарзимидаги ёт турли ғоялар, фарзандларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган таҳдидлардан қўқайётган бугунги даврда, улар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш тарбиядаги энг муҳим во-

сита, бугунги куннинг устувор вазифаси эканини таъкидлади. Бунда, айниқса, маҳаллий хом-ашёддан тайёрланган, экологик хавфсиз, педагогик-психологик, санитария-гигиена ва бадиий дизайн талабларига тўлиқ жавоб берувчи миллий ўйинчоқлар муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат.

Афсуски, бугун айрим болалар хорижда ишлаб чиқарилган, менталитетимизга мос келмайдиган ўйинчоқ ва кўйричқларни ўйнаб улғайишмоқда. Миллий қадрият ва аъёнларга, одоб-ахлоқ мезонларига зид, аксарияти уруш ва жангарилликни акс эттирувчи ўйинчоқлар, ҳаддан зиёд замонавийлик, таннозликни тарғиб қилувчи кўйричқларнинг жажжи фарзандларимиз қалбидаги меҳр-шафқат, одамийлик, ибодат туйғунчаларига дарз етказиши — ғоят оғриқли масала. Модоратик партияси "Ёшлар қаноти", ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш, келажак эгаларида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ва тизимли ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширмоқда. Партия дастури ва сайловли Платформасида назарда тутилган асосий мақсад-вазифалардан бири ҳам баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир. Партия кенг билимли, эркин фикрлайдиган, қарашларида миллий ғоямизга таянган, ўз ҳаёт тарзи билан миллий-маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг асосий бурчи деб билади. ЎЗМТДП халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш тарафдори. Бугунги кунда партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли лойиҳалардан кутилган асосий мақсад ҳам ЎЗМТДП атрофида ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор ёшларни жамлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда навқирон авлод кўмағига таяниш ва улар орасига қўқурроқ кириб бориш, аҳолининг партиямизга ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келаётган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасидаги "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови ҳам йилдан-йилга ўз қўллаб-қувватловчилари ва унда иштирок этувчилар сафи кенгайиб бораётган лойиҳалардан бири. Мазкур кўрик-танлов мамлакатимиз ёшлари ўртасида партия ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, худудий партия ташкилотларидаги "Ёшлар қаноти" қошида ташкил қилинган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни партия сафига кенгроқ жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашларини кенгайтириш ҳамда ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қара-

тилган. Ушбу лойиҳа истеъдодли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни аниқлаш, партия сафини мазкур ёшлар ҳисобига янада кенгайтириш ҳамда партиянинг кадрлар захирасини салоҳиятли ёшлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, мунтазам ўтказиб келинаётган "Биз ёшлар: оммавий маданият" ва мафқуравий таҳдидларга қаршимиз!" лойиҳаси, "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остидаги ёшлар форуми, "Халқ миллий ўйинлари" фестивали, "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" шиори остидаги ёшлар акцияси юртимиз ёшларини юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ғоя атрофида бирлаштирмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни таҳлиliga эътибор қаратсак, ЎЗМТДП аъзолари сонининг 52,5 фоизини ёшлар ташкил этаётганига ғувоҳ бўламиз. Партия тизимидаги кадрлар захирасининг 40 фоизи 30 ёшгача ёшлар ҳисса-қисми бўлиб келиши ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими марказий, худудий ва маҳаллий партия ташкилотларида 2 мингга яқин турли мавзуларда ўқув-семинар, давра суҳбатлари, форум ва фестиваллар, сиёсий-маданий, маънавий-маърифий тадбир ҳамда учрашувлар ташкил этди, улар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" мамлакатимиз ёшлари онгу шуурига миллий ғояни синдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли ғоявий таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий урф-одат, қадрият ва аънаваларимизни эъзозлаш, Ўзбекистон Республикаси худудиде истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, қадриятлари ва ҳурмат билан қараш, ватанпарвар, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсади деб билади. Бу эзгу мақсад рўёби учун бор куч ва имкониятини сафарбар этади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ, ЎЗМТДП Марказий кенгаши девони ходими

Дилноза ХАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Платформа ижроси

Китоб — маънавий асоси

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎЗМТДП туман кенгаши ва таълим муассасалари ҳамкорлиқда ташкил этаётган ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган шоирлар ижодини ўрганишга бағишланган кечалар ёшларда сўз санъатига муҳаббат уйғотаётган бўлса, "Аждодлардан мерос маънавият" тадбири эрталару дostonлар ҳамда ҳомийлар кўмағи ҳисобига қадриятларимизни тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Мактабларда беш кун давом этган "Китобхонлик, мутлоа маданияти" ҳафталиги ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Ҳафталиқнинг биринчи кунда ёшлар Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари мазмун-моҳиятини ўқиб-ўрганидилар.

инсон, миллат камолотидаги беқиёс аҳамиятини англаб етишларда муҳим манба вазифасини ўтади.

Тадбир иштирокчилари туман "Баркамол авлод маркази"да ташкил этилган ахборот-ресурс марказида ёшларда китобхонликни тарбиялаш борасида яратилган шароит, тўпланган тажриба билан танишдилар. Бу ерда, айниқса, китоб фондиди кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Китоблар нафақат бюджет, балки ота-оналар ҳамда ҳомийлар кўмағи ҳисобига ҳам ортиб бормоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан унумли фойдаланишлари учун ҳам барча қулайлик муҳайё. Ёш китобхонлар ихтиёрига берилган компьютерларда болалар учун мўлжалланган 4 минг бадиий адабиёт электрон шаклда жойлаштирилган.

Ёшларда китобхонликни тарбиялаш борасида худудда амалга оширилаётган ишлар халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳининг доимий диққат-эътиборида турибди. Партия гуруҳи аъзолари таълим муассасаларида бўлиб, ўқил-қизларимизда китобга меҳр уйғотишга бағишланган тадбирларда бош-қош бўлмоқда. Ушбу тадбирда туманда ёшлар ўртасида китобхонликни тарбиялаш борасида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ва келгуси ўқув йилида қилинажак ишлар ҳам муҳожама этилганлиги ЎЗМТДП бу масалага нечоғлик катта эътибор

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, навқирон авлодни миллий ва умумбаشارий қадриятлар, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Шокир Бозорбоев.

Ҳафталик давомида ўрганилган ушбу асарлар ёшларимиз маънавий ва сиёсий дунёқарашини шакллантиришга қаратилди. Айниқса, Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари ёшлар маънавиятнинг

қаратаётганлигини англади. Бу эса ёш авлод тарбиясига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизда ЎЗМТДП ғояларига хайрхоҳлик уйғотиши шубҳасиз.

Асқар СУЛТОНОВ, ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Юртимизда ўқил-қизларнинг эстетик дид ва тафаккури юксалтириш, уларни маънавиятимизга ёт ва зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Китоб бу борада кучли тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Ёшларда китобга меҳр уйғотишга қаратилган тадбирлар барча туманда юқори савияда ўтмоқда. Бундай анжуманлар ўқиб-ўрганилаётган китоблар ҳақида ўқитувчилар, ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, баркамол авлод тарбиясига оид ишларда янгидан-янги истиқболларни белгилаб олишда, энг асосийси, кутубхоналарда, маърифат масканларида китоб мутлоааси билан машғул бўлган ёшлар сафининг тобора ортиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Партия гуруҳларимиз ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган ҳуқуқий асосларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада мунтазам назорат олиб бориш воситасида ёшларнинг маънавий тарбиясига муносиб ҳисса қўшишга интиломоқда.

Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбири

Фаолият

Партия "Ёшлар қаноти"

навқирон авлод манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган навқирон авлод вакилларида истиқлолнинг илк йилларида алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар масаласида давлат сиёсати даражасида кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, мамлакат тараққиёти, юрт равнақи маънавий етук, замонавий билимларни пухта эгаллаш, иродаси бақувват, иймони бутун, юксак салоҳиятли ёшлар қўлида.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир маъруза ва чиқишларида келажак эгаларига фарзандларини деб, алоҳида муҳожама қилади, юксак ишонч билдиради. Юртбошимизнинг юксак ишончи, ҳеч шубҳасиз, ёшларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда, мамлакатимиз довруғини бутун дунёга намойён этишга қанот бағишлайтир.

Глобаллашув жараёни авж олиб, турли қарама-қаршилиқлар кучайиб бораётган бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида кубатилаётган турли ихтилофлар туз негизига эътибор қаратсак, бу салбий ҳолат мамлакатнинг унинг-ўсиб келаётган ёшларига, уларнинг жамиятдаги қизиқишлари, ҳуқуқлари, манфаатларига эътиборсизлиги оқибатида келиб чиқаётганлиги аққол намойён бўлади. Шу боис бугун дунё миқёсида ёшлар тарбияси, уларни миллий қадрият ва аъёнларни ҳурмат қилишга ундаш, бандлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш энг долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мустақиллик йилларида олиб борилган ёшларга оид сиёсат ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг манфиқий давоми сифатида соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демок-

ратик партияси "Ёшлар қаноти", ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш, келажак эгаларида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ва тизимли ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширмоқда. Партия дастури ва сайловли Платформасида назарда тутилган асосий мақсад-вазифалардан бири ҳам баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир. Партия кенг билимли, эркин фикрлайдиган, қарашларида миллий ғоямизга таянган, ўз ҳаёт тарзи билан миллий-маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг асосий бурчи деб билади. ЎЗМТДП халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш тарафдори. Бугунги кунда партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли лойиҳалардан кутилган асосий мақсад ҳам ЎЗМТДП атрофида ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор ёшларни жамлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда навқирон авлод кўмағига таяниш ва улар орасига қўқурроқ кириб бориш, аҳолининг партиямизга ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келаётган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасидаги "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови ҳам йилдан-йилга ўз қўллаб-қувватловчилари ва унда иштирок этувчилар сафи кенгайиб бораётган лойиҳалардан бири. Мазкур кўрик-танлов мамлакатимиз ёшлари ўртасида партия ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, худудий партия ташкилотларидаги "Ёшлар қаноти" қошида ташкил қилинган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни партия сафига кенгроқ жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашларини кенгайтириш ҳамда ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қара-

тилган. Ушбу лойиҳа истеъдодли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни аниқлаш, партия сафини мазкур ёшлар ҳисобига янада кенгайтириш ҳамда партиянинг кадрлар захирасини салоҳиятли ёшлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, мунтазам ўтказиб келинаётган "Биз ёшлар: оммавий маданият" ва мафқуравий таҳдидларга қаршимиз!" лойиҳаси, "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остидаги ёшлар форуми, "Халқ миллий ўйинлари" фестивали, "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" шиори остидаги ёшлар акцияси юртимиз ёшларини юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ғоя атрофида бирлаштирмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни таҳлиliga эътибор қаратсак, ЎЗМТДП аъзолари сонининг 52,5 фоизини ёшлар ташкил этаётганига ғувоҳ бўламиз. Партия тизимидаги кадрлар захирасининг 40 фоизи 30 ёшгача ёшлар ҳисса-қисми бўлиб келиши ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими марказий, худудий ва маҳаллий партия ташкилотларида 2 мингга яқин турли мавзуларда ўқув-семинар, давра суҳбатлари, форум ва фестиваллар, сиёсий-маданий, маънавий-маърифий тадбир ҳамда учрашувлар ташкил этди, улар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" мамлакатимиз ёшлари онгу шуурига миллий ғояни синдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли ғоявий таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий урф-одат, қадрият ва аънаваларимизни эъзозлаш, Ўзбекистон Республикаси худудиде истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, қадриятлари ва ҳурмат билан қараш, ватанпарвар, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсади деб билади. Бу эзгу мақсад рўёби учун бор куч ва имкониятини сафарбар этади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ, ЎЗМТДП Марказий кенгаши девони ходими

Боқий кадрият

Хунармандлар учун янги лойиҳа



Хунармандчилик билан ота-боболаримиз ҳаммаша рўзгорига қут-барака киритган, турмушини обод, дастурхонини тўқин қилган. Истиқлол шарофати билан миллий хунармандчиликнинг барча тури янада ривож топиб, қадриятларимиз давомчилари учун кенг шароит ва имкониятлар яратилди. Соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши хунармандлар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар, Миробод ва Яккасарой туман кенгашлари ташаббуси билан "Менинг дўппим" лойиҳаси доирасида ўтказилган миллий хунармандчилик республика кўргазмасида шу ҳақда сўз борди. "Артанг" хусусий корхонаси, "Орзу сити" маркази, "Вес-терн" реклама агентлиги билан ҳамкорликда икки кун давом этган кўргазмада юртимизнинг барча ҳудудидан келган хунармандлар ўзлар фикр-мулоҳаза, тажриба алмашиши, маҳсулотларини намойиш қилишди.

Кўргазма Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни рўйбга чиқариш, асрлар давомида ривожланиб келаётган халқ амалий санъати ва бадий хунармандчилиги анъаналарини сақлаб қолдиш, халқ усталари, хунармандлар, амалий санъат

мутахассислари ва ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, халқ бадий ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини жалб этиш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазма очилишида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фарҳод Шомоҳмурод истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий хунармандчилик кенг ривож топгани, халқимиз турмуш тарзи тобора фаровонлашиб бораётганини таъкидлади. Бу жараёнда ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП ҳам муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширишга интилоқда. Партия сайловолди Платформасида миллий хунармандчиликни ривожлантириш, партия электорати бўлган қадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси алоҳида белгиланган. Ушбу кўргазма ҳам бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Тадбирда асосий эътибор партия электорати бўлган миллий хунармандлар, тадбиркор аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини юксалтириш, бизнесни бошқариш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш масалаларига қаратилди. ЎзМТДП ташкил этган мазкур кўргазма ўз миллий қадрият ва анъаналарини эъзозлайдиган, бунёдкор, изланувчан халқнинг бекиёс меҳнатлари ва юртимиздаги тинчлик, осойишталик самараси экани таъкидланди.



Кўргазма якунида хунармандлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси

ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Ойзода НУРИМБЕТОВА, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли:

— Қорақалпоқ миллий хунармандчилиги ўзига хос услуб ва йўналишга эга. Миллий либослари, каштачилик, гиламдўзлик ва кулолчилик намуналари ўзига хос услубда тикилиши, ясалиши билан аҳамиятлидир. Худуднинг қўлигул уста-хунармандлари моҳирлик билан тайёрлаётган бу маҳсулотлар, ўз харидорларини топмоқда. Бугунги кўргазмада қорақалпоғистонлик хунармандларнинг ҳам меҳнат маҳсули кенг намойиш қилинди. Бир-бирини тақдорламайдиган, нозик дид билан тайёрланган маҳсулотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳанифа САЛИМОВА, хунарманд, Сурхондарё вилояти:

— Юртимизда хунармандлар самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган. Бугун аждодлардан мерос хунарларни улуғлаб, уларга янада сайқал бераётган хунармандлар нафақат ўз оиласи, балки аҳоли фаровонлигига ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Ҳар йили нуфузли танловлар, кўргазма ва фестиваллар ташкил этилиб, хунармандлар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Бугунги кўргазмада ўзим ясаган миллий қўғирчоқлар билан иштирок этдим. Иштирокчиларга сурхон элининг миллий чолғуси — чанқовузда куй ижро этиб бердим. Бу каби кўргазмаларнинг ташкил этилиши биз хунармандларни янги марралар сари илҳомлантирди. Хунарим ортидан элда эъзоз топаётганимдан, ёшларга ўз хунарим сирларини ўргатиб, соҳа ривожига ҳисса қўшишга ундаётганимдан фахрланаман.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

Тарих — улуг мураббий

партия ташаббуси билан Қизилтепа туман Ўлкашунослик музейида шу мавзуда тадбир ташкил этилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий мероси воситасида ёшлар маънавиятини бойитиш, юртимиз илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва йигит-қизларда миллий тарих ва халқ анъаналарига ҳурмат ва садоқатни шакллантириш вазифаси алоҳида белгиланган.



оширилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бу жараёнда муносиб иштирок этишга интилоқда.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларнинг Ватанимиз тарихини тереан англаши, пухта ўрганиши учун рағбат уйғотиш, уларга кимларнинг авлоди эканимизни англаштириш, халқимизнинг бетақдор маданий, маънавий, тарихий меросини онг-қалбига сингдиришни долзарб вазифа, деб билади, — деди маърузачи. — Партия ўтказётган бу каби тадбирлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавиятли ва

ахлоқли, маъсулиятли ва соғлом авлодни тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида ёшларга Қизилтепа тумани тарихининг энг қадимги даврини ўзида акс эттирган тарихий ва археологик ёдгорликлар (тепалар, мазоркўрғонлар ва карвонсаройлар)нинг аҳамияти, воҳадаги тарихий ўзгаришлар, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мустақиллик йилларидаги янгилашлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Баҳс-мунозара ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир якунида иштирокчилар музей экспозициясидан жой олган нодир экспонатларни кўздан кечиришди.

Отабек МҰМИНОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Туманимизда сақланиб қолган қалъа ва қўрғонлар, улуг аждодларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар, зиротчилик ва хунармандчилик кенг ривож топган қишлоқлар номлари ўтмишда ҳам маданият, илму-фан ва ижтимоий ҳаёт юксак даражага кўтарилганидан яққол далолат беради. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимиз буткул чирой очди. Истиқлол ҳамюртларимизнинг ўз иқтидорини тўлақонли намойиш этиши, кенг қўламли бунёдкорлик ҳамда аҳолининг фаровон турмуш кечиришига улкан имконият яратди. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимиз ўтмишини англаш, бугунги билан қиёс қилиш, энг улуг нёмат — истиқлолнинг асл моҳиятини иштирокчилар онгига яна бир қарра сингдиришдан иборат.

Дилфуза АДИЗОВА, ЎзМТДП фаоли:

— Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимиз тарихини ўрганиш, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш ва бойитиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги тадбирда маърузачилар тақдим этган туманимиз тарихи, халқимизнинг азалий турмуш тарзи, ҳудудимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қизилтепалик алломаларнинг илмий фаолияти хусусидаги аниқ далил ва маълумотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Миллий бренд

"Бухоро-бахор" маҳсулотлари

хорижда ҳам ўз харидорини топди

Яқинда хорижда таҳсил олаётган дўстим билан суҳбатлашиб қолдик. У аввал ўша дийрнинг одамлари, таълим тизими ҳақида гапирди. Гап айланиб иқтисодиётга, ишлаб чиқариш соҳасига бориб тақалди.

— Бўш вақтимда шаҳардаги гипермаркетларни айланаман, — деди у. — Бир нарсани аниқ айта оламан. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган эркаклар костюми, кўйлак ва спорт кийимлари ўша ерда ҳам анча харидордир. Бири Наманганда, яна бири Жиззахда ишлаб чиқарилган. Сал нарироқда кир ювиш кукунлари сотиладиган растада ҳам "ўзимизникилардан" бор. Қизиқиб, корхона манзилни ўқидим: Бухоро вилояти, Вобкент тумани, "Қўнғирот" ҚФЙ деб ёзилган экан. Хурсанд бўлганимни кўрсангиз эди. Чунки бу корхона уйимизнинг шундоққина ёнгинасида жойлашган. Фахрланмай бўладими, ахир, қишлоғимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хориж гипермаркетларида сотиляпти-да. Хаёлимдан тезроқ Ватанга қайтсам-у, бу хушxabарни ҳаммага айтиб суюнчи олсам, деган ўй ўтди...

Таъкидлаш керак, хорижда кир ювиш воситаларини экспорт қилаётган Вобкентдаги "Бухоро-бахор" корхонаси мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари орасида ўз мавқеига эга. Корхона 2006 йилда Хитойнинг "Hangzhou Yahe Trading Co.Ltd" фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Бу ерда 2010 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 3 минг, 2011 йилда эса салкам 7 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонага замонавий технологияларни жалб этиш ишлаб чиқариш сифати ва самардорлигини оширмоқда. Бугунги кунга келиб "Бухоро-бахор" 12 турдаги 18 минг тонна кир ювиш кукунини ишлаб чиқариш қувватига эга. 2012-2014 йилларда корхонада 36,6 минг тонна кир ювиш кукуни ишлаб чиқарилди. Соф фойда эса 900 миллион сўмдан ошди.

— Маҳсулотларимиз хорижда ҳам анча харидордир, — дейди корхона раҳбари, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Жамшид Муродов. — Айни пайтда "Бухоро-бахор" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар ўндан ортиқ давлат экспорт қилинмоқда. Бунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Партия кўмагида олган кредит ҳисобига хориждан замонавий технологияларни сотиб олдик. Бу эса иш унумдорлигини оширди, янги иш ўринларини ташкил этишга замин яратди.

Таъкидлаш жоиз, корхонада Хитойда ишлаб чиқарилган 5 замонавий ускуна ўрнатилиб, силикат натрий (суяқ шиша), сулфон кислотаси (кир ювиш кукунининг муҳим хомашёси) каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу билан ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга ошди, 140 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона фаолиятининг кенгайиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турининг ошиши унинг негизда янги корхоналар ташкил этилишига сабаб бўлаётир. Бугунгача корхона қошида "Bukhara Waterfall Garden" масъулияти чекланган жамияти, "Buxoro-Labs", "Huapeng Wing", "Bahor Plastics" ва "Bukhara Laminant Luxe" қўшма корхоналари ташкил қилинди. Корхоналар экспорт ўрни-

ни босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса мамлакатимизнинг валюта захирасини тежашга, юртимиз санъатини янада ривожлантиришга, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги маҳсулотлар турини кўпайтиришга хизмат қилаётир.

ЎзМТДП ҳам ана шу мақсадларни ўзининг дастурий вазифаси, деб билади. Зотан, партия "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этишни қўллаб-қувватлайди.

"Бухоро-бахор" негизда ташкил этилган корхоналар нафақат маҳаллий санъат самардорлигини оширмоқда, балки аҳоли, биринчи навбатда, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Корхона ҳақида дастлаб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мавзусига доир ўтказган тадбирда эшитганман, — дейди тумандаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи битирувчиси Назрулла Ҳалимов. — Корхонанинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида маҳсулот ишлаб чиқариши мени гоят қизиқтирганди. Шундай кейин у ерда 2 йил ўқув амалиётини ўтадим. Ишга кирганимга эса хали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо корхонадаги барча технология билан ишлашни ўзлаштирдим. Ўқув амалиётини шу ерда ўтаганим менга жуда асқотмоқда.

Корхонада ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётир. Масалан, "Бухоро-бахор"да ўтган икки йил давомида 100 нафардан ортиқ касб-хунар коллежи битирувчилари ўқув амалиётини ўтади, 20 нафарга яқини эса ишга жойлашди. Корхонанинг ёш мутахассисларидан иборат бошланғич партия ташкилоти эса бу ишларда бош-қош бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Бухоро-бахор" сингари маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз санъати нуфузи ва миллий маҳсулотларимизга бўлган қизиқишни янада оширишга хизмат қилаётир. Бу эса партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсадларга ҳамохан ва уйғун. Зотан, ЎзМТДП маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга миллий тараққиётимизнинг бош омили сифатида қарайди.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



Бугуннинг гапи



Бозорлар — фаровонлик кўзгуси, аммо...

Истиқлол йилларида юртимиз кўрки, дастурхонимиз тўксилги рамзи бўлган бозорлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Бир қатор бозорлар янгидан қурилди. Замонавий усулда бунёд этилган деҳқон бозорларида сотувчию харидорлар учун барча шароитлар яратилди. Бозорлар нафақат савдо-сотиқ қиладиган, балки озодалиги, кўркамлигидан баҳра оладиган гўшаларга айланди.

... — Олхўри килоси 600 сўми?

— Нима?! Чириган мева ҳам бу нархда сотилмайди, — жаҳл қилди сотувчи.

— Унда нега 600 сўм, деб ёзиб қўйгансиз?

Сотувчи пинагини ҳам бузмай, қоғоздаги нархга яна битта нол қўшиб қўйди:

— Мана, нархини тўғрилаб қўйдим. Олсангиз, олинг, бўлмаса, растанинг олдини тўсманг.

Сотувчининг бундай кўпол муомаласи харидорнинг кўнглини ранжитди. "Оламан, фақат сиздан эмас", деди-ю, нари кетди...

Аслида сотувчининг нархни ёзишда адашиши табиий: баъзилар тўғри ёзишдан кўра, пул санашга ўстароқ. Бироқ муомала маданияти-чи?.. Бозорларда бундай ҳолатларга, афсуски, дуч келиб туришимиз бор гап.

Юртининг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини бориб кўр, деган нақл бежизга айтилмаган. Бугун юртимизда мўл-кўнчилик, тартиб билан жойлашган расталар тўкин. Ҳар бир маҳсулотнинг бир неча хилини топасиз. Сотувчилар учун барча фаслда бирдай имконият-шароит мавжуд.

Бозор нафақат савдо қиладиган жой, балки аҳоли фаровонлигининг кўзгуси ҳамдир, — дейди фольклоршунос олим, Омонилла Мадаев. — Халқимизда бозор азалдан муайян ҳудудда яшайдиган аҳолининг маънавий, иқтисодий ҳаёт даражасини, ҳатто маданиятини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланган. Айниқса, Буюк Ипак йўли ўтган катта шаҳарлардаги бозорлар таърифи дoston бўлиб, элларга ёйилган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутаду билиг" асариде савдогарларни сатигчилар деб атайди ва уларнинг фазилатларини келтириб шундай дейди:

Тугардан Ботарга қўяркан қадам, Тилаган тилагинг беради бекам.

Яъни, улар тирикчилик учун олам кезишади, дунёдаги сара нарсаларни йиғишиб, сизга керакли нарсаларни тортиқ қилишади. Шунингдек, Эргаш Жуманбулбул ўғли "Равшан" дostonида Ширвон элидаги бозорни шундай таърифлайди:

Бозор келган бозорчилар, Йўлни кезган гузарчилар, Тинмай элни кезарчилар, Жўн савдони бузарчилар, Қолпоқ бозори қайсиди? Ширвонда чўян, мис, пишик гишт, ун, жун, мурсак, тўн, пичоқ, чой, кўмир, пўлат, темир ва бошқа кўпдан-кўп нарсаларнинг бозори борлигини кўрсатиши орқали тингловчиға малика Зулхумор эли фаровон ва тўкин яшаганини етказди.

Бозор фақат олди-сотди қилинадиган жой эмас, мураккаб муносабатлар мажмуасидир. Бу ерда ҳалоллик, ҳушмуомалалик — бирламчи мезон. Бугун юртимиздаги деярли барча бозорнинг қиёфаси, биноларининг шинамлиги, расталардаги тартиб-орасталик 15-20 йил аввалги ҳолатдан кескин фарқ қилади. Улар фаолияти изчил тартибга солиниб, бозорларда хизмат кўрсатиш тизими замон талабларига мослаштирилди. Хоҳланг нақд, хоҳланг пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилинг. Бироқ савдо-сотиқ маданияти фақат булар билангина чекланмаслиги ҳам рост.

Бир мисол: бозор айланиб, сотувчидан турпнинг ўртасидан кесиб кўрсатишини илтимос қилдим. Афсус, у кесган турп пўк чиқди. Сўнг иккинчи, учинчисини кесиб қўйди. Яъни сотувчи тарозига қўйди, ёмонини махсус идишга ташлади. Натияжада, уч килограмм турп олгунимиз, анча махсулот чикитга чиқди. Шунда "кўп зарар кўрдингиз, ўрнига мендан ҳақ олинг", дедим. Сотувчи самимий жилмайди: "Яроқсиз мол сотиб гуноҳга қолгандан кўра, зиён кўргангиз яъни эмасми?". Кўнглимдан қанийди, ҳамма сотувчи ҳам шундай фикрласа, деган ўй ўтди.

Дарҳақиқат, савдо-сотиқ ҳам қатъий қонун-қоидаларга эга. Масалан, савдогар ўз молининг айбини айтиб сотиши керак, дейишади. Аммо бозорда махсулотимнинг айби бор, деган сотувчини деярли учратмайсиз.

— Бир гал "Кўйлик" деҳқон бозоридан 4 килограмм силлиқ картошкадан олдим, — дейди талаба Азизбек Тошпўлатов. — Харидимдан мамнун бўлиб ўйга қайтгач, пакетни очсам, силлиқ картошқалар ўрнига яроқсиз махсулотлар чиқди. Сотувчи йигит картошкани тортиб бўлгач, пакет билан раста ортига эгилганди. Наҳотки, харидорни алдаш учун аввалдан яроқсиз махсулотлар тортиб қўйилган бўлса?!

Буниси ҳам майли, айрим бозорларда ҳатто "тарозидан уриш" ҳолатлари ҳам учраб туради. Шундай ҳолатларда маҳалламиздаги жомеъ масжид имоми айтган сўзлар ёдимга тушаверади: "Муқаддас ислом динида ҳаром ва макруҳ деган тушунчалар бор. Масалан, макруҳ ҳисобланган айрим нарсалардан ҳеч чора қолмаганда, фойдаланишга рухсат этилган. Аммо ҳаром қилинган амалларга йўл қўйишни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Тарозидан алдаш ана шундай ҳаром қилинган амаллардандир. Унинг жавоби ҳам шунга яраша оғир бўлади."

Ҳўш, бозорда адолатсизликка, ҳақсизликка дуч келган истеъмолчи кимга мурожаат қилиши керак? Аввало, давлат солиқ кўмитасининг "Ишонч телефони"га. Бироқ бу масалада ҳам ақсарият юртдошларимизда ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик, талаб қила олмаслик ёки лоқайдлик, ҳафсаласизлик ҳолатларининг учраши, "оч қорним, тинч қулоғим" қабилида шун тилиши онда-сонда бўлса-да учраб қолаётган "олғир"ларга қўл келмаяптими?.

Ваҳоланки, давлат солиқ кўмитаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан

ўтмасдан бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаган махсулотлар билан савдо қилиш ҳолатларига қарши тизимли кураш олиб бормоқда.

Давлат солиқ кўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Жасуржон Жўраевнинг айтишича, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Бек барака" савдо комплексида ишловчи М.Жамигдинов олаётган даромадига қаноатланмай, қонунбузарликка қўл урган. Яъни ишлаб чиқариш маркаси ва сифатини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 99,7 миллион сўмлик товар-моддий бойликларни савдога қўйди. Бу қонунбузарлик ўз вақтида аниқланиб, тадбиркорга нисбатан қонуний жазо чораси қўлланилди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини четлаб ўтишга интилган яна бир "тадбиркор" "Ғиждувон туман деҳқон бозори" ҳудудида фаолият юритаётгани маълум бўлди. Савдогар Ҳ.Норпўлатов 1,1 миллион сўмлик истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат махсулотларини сотаётгани фош этилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани бозори ҳудудида Х.Раҳматовнинг 130 литр, Б.Бўриевнинг 264 литр миқдордаги истеъмолга яроқсиз пахта ёғини сотаётгани аниқланиб, маъзур шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Натияжада, қанчадан-қанча фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига етиши мумкин бўлган зарарнинг олди олинди.

Бу — бозорнинг қонуний тартиб-қоидадаси. Бироқ маънавий тош-тарозу ҳам борки, бу бир оз эътибордан четда қолаётгандай, назаримда.

— Тез-тез бозорга тушиб турман, — дейди харидор Муқаддас Исаева. — Бозорлардаги тўқинликнинг кун сайин ошаётгани, харидорларга қулайликлар яратилаётгани халқимизга тўрмуш фаровонлигига хизмат қилаётган. Аммо баъзан сотувчилар билан боғлиқ қўнғилини хира қиладиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Яқинда ўзим гувоҳ бўлган — бир бозорда савдо қиладиган сотувчилар харидор талашиб жанжал кўтаришди. Уларнинг гап-сўзларини эшитсам, илон пўст ташлайди. Афсуски, бунга на бозор маъмурияти, на бирор кимса муносабат билдирди. Томошабинлар "энди булар бозорчи-да", дейишдан нарига ўтишмади.

Ҳўш, бундай ноҳус ҳолатнинг олдини олиш учун харидор кимга мурожаат қилиши керак? Бундай қўнғилхирликларни бартараф этиш, бозорда ишловчиларни вақти-вақти билан маънавиятли бўлишга, муомала маданиятини эгаллашга ундаб туриш бу ердаги масъулларнинг асосий вазифаларидан бўлиши керак, эмасми?!

Бой тарихимизни, бугунги кунимизни намоён этаётган бозорларимиз халқимиз маънавий ва иқтисодий ҳаётининг кўзгуси саналади. Бугун бозорларимиздаги тўқинлик, арзончилик ва қулайликни кўриб, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Шу сабаб ҳам сайёҳларнинг қадимий қадамжоларимиз қаторида бозорларимиз билан ҳам танишишга қизиқиши баланд. Юртимизда замонавий савдо мажмуаларининг барпо этилиши кўллаб ҳорижлик меҳмонларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Чунки бозорларимизнинг сотувчи ва харидорларга ҳар томонлама қулай бўлиши, санитария-гигиена, техник ва хавфсизлик талабларига тўлиқ ғавоиб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозор мажмуалари ва уларнинг атрофида барпо этилаётган замонавий иншоотлар, йўл ва бекатлар, майдонлар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг таркибий қисми сифатида аҳолига қулайлик яратиб, турмушимизга зеб беришга қўлдан келгунча ёрдан бериш, халқимизга хос фазилатлардан, — дейди 1-Меҳрибонлик уйи директори Мажжид Фахриддинов. — Айниқса, дунёни энди англаётган мурғак қалблар бундай меҳр-эътиборга муносиб бўлишга интилади.

Навоий вилоятида "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида бўлиб ўтган ижодий учрашув "Офтобжон" болалар оромгоҳида дам олаётган кичкинтойлар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун чин маънода байрам совғаси бўлди. Санъат-

Созгар

Янги чолғу — янги овоз демак

Юртимизда бебаҳо қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати ҳар томонлама юксалиб бормоқда. Хунармандлар ўз ишига шунчаки касб деб эмас, аниқ соҳа сифатида ёндашмоқда. Ўз хунарлари устида излашлар олиб бориб, янгиликлар киритаётган. Бунинг сабаби хунар аҳлининг эмин-эркин ишлаши, ўз иқтидорини ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилганида. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони соҳа турларини қайта тиклаш ҳамда уни дунё миқёсида танитишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланган хунармандлар ўз ишининг устасига айланяпти. Буни мусиқа асбоблари устаси, романтик созгар Деҳқон Жамиллов фаолияти ҳам кўриш мумкин. Уста миллий созгар мактаби ва анъаналарини тиклаш, сақлаб қолиш, ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган.

— Чолғу асбоблари миллат руҳияти, маънавияти, санъати ва маданиятининг кўзгусидир, — дейди Деҳқон Жамиллов. — Ижодкор хоҳ хайкалтарош, хоҳ заргару расом бўлсин, сабр-қаноатли ва эстетик дид соҳиб бўлиши лозим. Бинобарин, иқтидорни ривожлантириб, ҳақиқий санъат асарини яратиш учун катта иштиёқ, меҳнат ҳамда бой тажриба керак бўлади. Бу санъатнинг муҳим талаби. Бунинг учун созгар фақат уста бўлиш билан чекланмай, куй-қўшиқнинг фарқиға бориши керак. Шундагина созгар пухта мусиқа асбоби яратиб, ўз соҳасида янгилик қила олади. Янги мусиқа асбоби — янги ижро, янги товуш дегани.

— Ҳар бир хунарманд ота-боболаримиз яратган, кейинчалик уни тилиб кетган хунар турларини қайта тиклашни истади. Сиз қайси миллий чолғу асбобларимизга янгилик киритиш устида изланиш олиб бормоқдасиз?

— Устозим Абдунаби Абдуғафоров айтди: "Авал ўзимизда бор мусиқа асбобларини мукамал қилиб ясанг, мусиқа унда янада жаранг топсин, кейин янги мусиқа асбоби ҳақида ўйланг". Худди шундай, мен ҳам ўзимизнинг танбур, дутор, сато, тор ҳамда қашқар рубоби, ғижжак каби мусиқа асбобларини янада баробарида соҳа сирларини ўрганиб янгиликлар яратишга ҳаракат қиляпман. Бундан бир неча йил



илгари мақомни тинглаб туриб, бу санъатнинг салобатини янада ошириш учун "Ғижжак мақом" асбобининг торларига ўзгариш киритдим. Уйлаганимни қозғога тушириб санъатшуносларга тақдим этганимда, франциялик бир санъатшунос қизиқиш билдирди. Ҳозирда шу сони халқимизга тақдим этмоқчиман. Шунингдек, қадимий афгон рубобини қайта тикладим, миллий рубобнинг тўрт тури, яъни учта чертиб қилинадиган ва битта камон билан қилинадиган рубоб устида излашни олиб бормоқдаман.

— Билмизми, ўзбек миллий чолғу асбоблари ўзининг ўзгача оҳанги билан ажралиб туради. Шу сабабли уларга дунё миқёсида тобора талаб ортиб бормоқда. Маънавий маънода айтганда, жонсиз жисмга жон киритиш осон бўлма-са керак...

— Дарҳақиқат, барчасининг ўзига яраша машаққати бор. Хунар аҳлиға сабр-қаноат зарур, деб бежиз айтилмаган. Битта соз учун керак бўладиган ёғочни қуришти, фойдаланишга тайёр холға келтириш учун 3-4 йил, баъзан ундан ҳам кўп вақт керак бўлади. Чолғу асбобларини ясашда тут, ўрик, ёнғоқ дарахтидан фойдаланилади. Мен созлар учун асосан, мустаҳкам ва иссиқ-совуққа чидамли ҳисобланган тут ёғочини ишлатаман.

Содда қилиб айтганда, оддий ёғочға ҳаёт бериш учун 10-15 кун кетар, бир йил ўтар, аммо меҳнатингиз меваси дилларни завққа тўлдириб, қуй ва қўшиқча ошно қилиб бораверида, дидни тарбиялайди. Энг муҳими шу.

Болалигимдан чолғу асбобларини ясашга қизиқиб келган бўлсамда, яқин йиллардан фаолиятимни кенгайтириш, такомиллаштириш имконияти пайдо бўлди. Юртимизда миллий хунармандликни кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмагани, "Хунарманд" уюшмаси ҳамда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг кўмаги ва рағбати билан имкониятларимиз ҳам кенгайди. Ўтказилаётган кўрғазмаларда янги ижодий ишларимиз билан қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдамиз.

— Халқимиз орасида "Ўрганиш — бир хунар, ўргатиш — икки хунар" деган гап бор. Кўп йиллик тажрибангиз асосида "устоз-шогирд" аъёнасини ҳам йўлга қўйган бўлсангиз керак?

— Бошқа хунар турларига қараганда созгарлик ишида сабр-қаноат муҳим. Яъни юқори натижаларға аста-секин эришилади. Шогирдларимизга ҳам шу нарсани уқтираман. Уларни синаб узок вақт давомида тайёрлайман. Ҳозирда олти шогирдим уста даражасига етишиб, "устоз-шогирд" аъёнасини давом эттирмоқда, ёшларға миллий чолғу асбобларини ясаш сир-асрорини ўргатиб келмоқда. Шу хунар орқали яқин даромад топиб, рўзгор тейратяпти.

Бугун юртимизда миллий аъёнга ва қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшларға етказиш, навқирон авлоднинг бадиий диди ва тафаккурини тўғри шакллантиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун кенг имконият ва шароит яратилаётгани мен каби кўп мутахассислар меҳнатини юзага олиб чиқмоқда.

Хунарларнинг қалбида бунёдкорлик, хонадонида барақа бўлади. Ўз ишининг моҳир устаси бўлиш учун эса йиллар давомида тажриба тўплаш, астойдил меҳнат қилиш лозим. Созгарликни ўзимиз учун сеvimли машғулот ва тадбиркорлик манбаига айлантирганимиз учун ҳам уни ардоқлаб, бутун меҳримизни бахшида этиб келмоқдамиз.

Дилфуза ТОШТЕМИРОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Меҳр-мурувват

Ватан ва истиқлол мадҳи

Энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида мамлакатимиз бўйлаб "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида мусиқий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, вилоятлар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган маъзур учрашуларда таниқли шoir ва ёзувчилар, бадиий жомоалар, санъаткорлар иштирок этаётган.

Самарқанддаги 1-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган ижодий кеча вилоятнинг Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари ўғил-қизларини жамлади.

— Болажонларнинг юз-кўзидаги хушнудлик, шодликни кўриб, биз санъаткорлар ҳам рост тўлқинланиб кетдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков. — Ўтказилаётган бундай тадбирлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва фидойилик руҳида тарбиялашга, ижодкорларнинг фаолиятини кенг тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

— Инсоннинг қўнглини кўтариш, қўлдан келгунча ёрдан бериш, халқимизга хос фазилатлардан, — дейди 1-Меҳрибонлик уйи директори Мажжид Фахриддинов. — Айниқса, дунёни энди англаётган мурғак қалблар бундай меҳр-эътиборга муносиб бўлишга интилади.

Навоий вилоятида "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида бўлиб ўтган ижодий учрашув "Офтобжон" болалар оромгоҳида дам олаётган кичкинтойлар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун чин маънода байрам совғаси бўлди. Санъат-

корлар жажжи ўғил-қизларнинг Ватан, мустақиллик ҳақидаги фикрлари, уларнинг оруз-уйлари, интилишлари билан қизиқиб, дилдан суҳбат қурдилар. Тадбирда таниқли санъаткорлар иштирокида гала концертида Ватан, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар барчаға хуш кайфият улашди.

— Бу тадбир, ўйламанки, болажонлар қатори барчаға бирдек манзур бўлди, — дейди Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори Дилбархон Азизова. — Ватан меҳри макон юртни қиёси йўқ бир муҳаббат билан улуғлаймиз. Бироқ, менинг назаримда, дёримизни нафақат сезшимиз, балки давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан унинг янада гуллаб-яшнаши учун бундан кўпроқ меҳнат қилишимиз, айниқса, фарзандларимиз қалбиға ҳам шу туйғуларни сингдиргимиз асосий вазифаларимиздандир.

Хоразм вилоятида ўтказилган ижодий учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар замирида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш,

уларнинг оруз-интилишларини юзага чиқаришдек эзгу мақсад мужассан экани таъкидланди.

— Тадбирда санъаткорларимиз билан бирға ўзимиз ҳам "Лазги" рақсини йиғилганларға намойиш этдик, — дейди оилавий болалар уйи тарбияланувчиси Омон Абдуллаев. — Бундай байрамларда янада кўп дўстлар орттирамиз. Ўзимизни худди бир оила фарзандларидек ҳис этамиз.

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида ташкил этилган шундай тадбирда таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шoirлар иштирок этди. Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов ва бошқа таниқли санъаткорлардан иборат маданий-маърифий гуруҳнинг ташрифи барчани, айниқса, болаларни жуда хурсанд қилди. Ватан, истиқлол, тинчлик ва беғубор болаликни тараннум этувчи шёрлар ўқилди, куй-қўшиқлар йиғилганларға бир олам завқ бағишлади.

— Болаларимиз давлатимизнинг ғамхўрлигини, халқимизнинг меҳрини доимий ҳис этиб воғза етмоқда, — дейди муассаса раҳбари Норкул Тоғаев. — Уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини юксалтиришда бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта. Болаларнинг юз-кўзидаги қувонч ва бахтиёрлик ҳар қандай кишини тўлқинлантириб юборади. Ёшларға ғамхўр шундай юрда яшаётганиндан қалбингда гурур туюсан.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигиға бағишланган бундай маданий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча шаҳар ва вилоятларида бўлиб ўтмоқда.

Ўз муҳбирларимиз

Юртимиз бўйлаб

Ватанимиз ўз тарихи, иқлими, жозибаси ва гўзаллиги билан жаҳон сайёҳлари эътиборини торттиб келмоқда. Истиқлол шарофати билан Президентимиз раҳнамолигида миллий туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтиришга замин яратмоқда.



Барча йўллар энди Хивага олиб боради

Бу жиҳатларни қадим ва ҳамиша навқирон Хоразм вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури" тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётди. Қарорда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, маданий мерос иншоотларини реставрация қилиш, меҳмонхона ва рестороанлар тармоғини кенгайтириш каби кенг қамровли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Хива шаҳридаги мўъжизавий "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси — Марказий Осиёда сақланиб қолган очик осон остидаги шаҳар-музей ёдгорлиги саналади. У ўзида кўп мингйиллик меъморчилик, халқ амалий санъати оид доимий кўргазма ва экспозицияларни мужассамлаштирган. Бу ердаги 140 дан ортиқ археологик обидалар кўз қорачигидек асраб-авайланмоқда. "Ичан-қалъа" 26 гектар майдонни эгаллаган. Бугун музей-қўриқхона ходимлари меъморий обидалар, ноёб ашёлар ва нодир коллекцияларни сақлаш, ўрганиш, кенг намойиш этиш борасида изчил ишларни олиб бораётди. Бу жараёнда моддий-маданий меросни асраб-авайлаш, уларни илмий тавсифлаш, ёшларимиз қалбига миллий ғурур туйғулари янада кучайтиришга хизмат қилувчи, қадимий тарихимизни акс эттирувчи

янги музейлар, замонавий экспозиция ва кўргазмалар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Айна пайтда "Ичан-қалъа"нинг уч ўлчамли фотокиёфасини яратиш, "Google", "Яндекс" каби оммавий кидирув сайтларида моддий-маданий меросимиз тўғрисидаги ахборотларни жойлаштириш, инфокиоскалар учун маданий мерос тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар жамланган дастурлар яратиш, худудда Wi-Fi тизимини ташкил қилиш, оптик талаи алоқа тармоқларини ўрнатиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Хива шаҳридаги Хоразм Маъмур академиясида илм-фан тарихи музейи ташкил қилинган, у уч бўлимдан иборат. Бу ерда илк расадхона, ёзув, тасвирий санъатнинг вужудга келиши, "Байт ул-ҳикма", "Дорул ҳикма вал маориф" фаолияти, илм-фан ривожини акс эттирувчи археологик топилмалар, қўлёзма асарлар ҳамда бошқа тарихий экспонатлар жой олган. Хива туманида очилган алоқа-почта тарихий музейи эса энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган Хоразм алоқа-почта хизматини акс эттирган.

Огахий уй-музеи Қиёт қишлоғидаги Огахий боғ-мажмуи маркази-

даги қадимий кўрган ўрнида қайта тикланган ҳовлида жойлашган. Бу масканга ташриф буюрган ҳар қандай киши мавжуд экспозицияни томоша қилиб, улуғ шоир ва таржимоннинг ҳаёт йўли, тарихий ва бадиий асарлари тавсифи ҳақида бой маълумотга эга бўлади. Истиқлол шарофати билан ушбу маскан тубдан реконструкция қилиниб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

— Вилоятда туристик хизматлар сифатини юксалтириш, уни халқаро меъёрлар даражасига олиб чиқишга катта эътибор қаратилаётди, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими бошқарувчиси Одилбек Раҳимов. — Туризм инфратузилмасини ривожлантириш — устувор вазифамиз. Вилоятда 256 маданий мерос объекти рўйхатдан ўтказилган. Бунинг натижасида воҳада маданий туризмнинг имкониятлари янада кенгайди. Ҳозирда вилоятнинг турли худудидида жойлашган 18 археология, 133 архитектура, 67 ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ва 32 муқаддас қадамжого сайёҳларнинг ташрифини уюштириш имкони мавжуд. Энди сайёҳлар нафақат Хива туманида жойлашган обидалар, балки вилоятнинг бошқа туманларидаги маданий мерос иншоотларини ҳам томоша қилишлари мумкин. Хазорасп туманидаги Сулаймонқалъа, Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор вали, Урганч туманидаги "Улли ҳовли" ёдгорликлари бунга яққол мисолдир. Уларда бугун сайёҳларни қабул қилиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Туризм соҳаси тараққиёти — транспорт инфратузилмасига боғлиқ. Шу боис Урганч ва Бухоро ўртасида авиа ва темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Мавсум давомида ҳар ҳафтада бир марта Милан — Урганч — Тошкент, Париж — Урганч — Тошкент, Франкфурт — Урганч — Тошкент авиарейслари воҳани тўғридан тўғри Европа билан боғлайди.

Бугун туризм сайёҳларни фақат

меъморий ёдгорликларни томоша қилдириш билан чекланиб қолмай, балки уларнинг табиат кўйнига сайирини уюштириш, маҳаллий этник ва маданий анъаналар билан таъминлаш имконига ҳам эга. Шу боис вилоятда сайёҳликнинг тарихий-илмий, тарихий-этник, маданий-қўнғилочар, экологик каби йўналишларини ҳам ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Чунончи Хива туманидаги "Эшон Работ" кўли бўйида яратилган туристик мажмуа бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда балик овлаш йўлга қўйилиб, юрта (ўтов) лагерлари, сузиш воситалари ижраси хизматлари, соҳил бўйи дам олиш инфратузилмаси ташкил этилди. Шу тумандаги "Хива Қорақўл" фермер хўжалиги негизда сайёҳларни қарвонда олиб юрвчи бирламчи пункт, юрта (ўтов) лагерлари ва бошқа зарур инфратузилмалар барпо этилди. Урганч шаҳридан оқиб ўтувчи Шовот канали бўйида дам олиш масканлари бунёд қилинди. Бу ерда дарё тақсилари тўхташи учун махсус қўйлар барпо этилди, янги кемалар хизмат кўрсата бошлади. Вилоятда икки йилда бир марта ўтказиладиган "Халқ рақслари" ҳамда "Қўғирчоқлар фестивали" халқаро фестивалларини маданий-қўнғилочар туристик хизматлар сирасига киритиш мумкин.

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини тўлақонли намойиш қилиш соҳа ривожига катта ўрин тутди. Ўзбекистон Миллий телекомпаниясининг "Ёшлар" телеканали воҳа анъаналари, мусиқаси, миллий либослари ва ўзига хос ошхонасини акс эттирувчи видеофильм суратга олишни бошлади. Хоразм вилоятининг экскурсиявий-сайёҳлик харитаси 10 минг нусxada чоп этилди.

Ҳозирда вилоят меҳмонхоналарининг номдор отеллар билан ҳамкорлигини кучайтириш, интернет орқали он-лайн олдиндан банд этиш тизимини йўлга қўйиш, сайёҳлар кўп ташриф буюрувчи аэропорт, вокзал, йирик савдо марказлари,

бозорлар ва бошқа жойларда Wi-Fi худудлар ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.


Шунингдек, сайёҳларга банк хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида бугун 16 туристик объект, 2 овқатланиш шохобчаси ҳамда бошқа қўшимча хизмат кўрсатувчи 14 кичик бизнес тармоғига тўлов терминаллари ўрнатилди.

Туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака-

сабоқлари ташкил этилди.

Вилоятда туризм соҳаси ривожини ва имкониятлари хусусида ушбу мақолада батафсил тўхталишни иложини йўқ. Шу боис рақамларга мурожаат қиламиз: 2013-2015 йилларда худудда 200 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. 2015 йил биринчи ярим йиллиги якунида улардан 100 га яқини тўлиқ бажарилди. Қолган лойиҳалар бўйича ишлар жадал давом этмоқда.

— Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Қувондиқ Ражабов. — Соҳани такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани, мамлакат миқёси ва ҳар бир худуд бўйича махсус давлат дастурларининг амалга оширилаётгани бугунги натижаларнинг муҳим омили бўлаётди. Бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги устувор вазифалар билан ҳамоханг ва уйғун. Партия мамлакатимизнинг халқаро имижини шакллантиришда туризмни самарали восита, деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизмат қулайлигига



сини ошириш масалалари ҳам доимий эътиборда. Сайёҳлик соҳасига тухассислар тайёрловчи Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқувчиларининг меҳмонхона ва рестороанларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари ва келгусида иш билан таъминланишлари учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Сўнгги йилларда соҳа ходимлари бир қатор хориж давлатларида малака ошириди. Бундан ташқари, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи рестороанлар ходимлари учун амалий семинар-тренинглари, транспорт ташкилотлари ҳайдовчилари учун ўқув курслари, маҳаллий хунарманд усталар учун Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятларидан келган малакали хунармандлар иштирокида мастер класс

эришиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш тарафдори. Шу боис партия гуруҳимиз маъмур қарор ижросини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритишни режалаштирмоқда.

Муҳтасар айтганда, Хоразм воҳасида туризм иқтисодиётининг йирик тармоғи сифатида йил сайин кенг ривож топмоқда. Бу эса халқимиз, айниқса, ёшларнинг миллий ғурурини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва оқимизга хорижий сайёҳлар юртини кўпайтиришга, пировардида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётди.

Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" муҳбири



Реклама ўрнида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида оламшумул ютуқларга эришилди.



Айна кунда мамлакатимиздаги йирик молия муассасаларидан бири — "Микрокредитбанк" АТБ аҳоли, айниқса, ишбилармонларнинг яқин ҳамқори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Банк маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўқиллигига, худудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб хисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор ҳамюртларимизнинг муваффақиятларини кўзатиб, бунга яна бир қарра амин бўлаётган. Албатта, буларнинг барчаси аҳолининг замон талаблари асосида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётган банкларимизга ишончи тобо-

ра мустаҳкамланаётганидан далolat беради. Оқўргон туманида "Домла Азимбой" фермер хўжалиги бор: 2002 йилда ташкил этилган, 155 гектар ерда деҳқончилик қилади. "Микрокредитбанк" АТБ Оқўргон филиали мижози. Жорий йилда хўжалик аъзолари 60 гектар майдонда сара дон етиштириб, режани ортиғи билан удалашди. Фалладан 82 миллион сўм соф даромад олишди. 93,7 гектар майдонга эса уруғлик чигит экишган. Мақсад — гектарга 40 центнердан зиёд сифатли ҳосил етиштириш. Чорвачилик, асарличилик, пиллачилик билан бир қаторда, жорий йилда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хўжаликда 70 дан зиёд ишчи меҳнат қилаётган бўлса, унинг асосини касб-хунар коллежларининг битирувчилари ташкил этади.

— Давлатимиз раҳбари фермерларнинг ваколатларини янада кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш лозимлигини бот-бот такоррайди, — дейди "Домла Азимбой" фермер хўжалиги раҳбари Фулом Шойбеков. — Қўшимча тармоқлар фаоли-

Ўзаро ишонч — ютуқлар омили

тини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларини сўм кредит эвазига, замонавий технологиялар асосида жиҳозланган нон цехини ишга тушириб, 6-7 турдаги нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яратилган 6 иш ўрнининг ҳаммасини ёшлар, коллеж битирувчилари эгаллади. Маҳсулотларимиз туман аҳолисига манзур бўлмоқда. Кредитдан самарали фойдаланаётганимиз боис, олган қарзимизни ҳеч бир қийинчиликсиз ўз вақтида қайтаряпмиз.

Хўжалик жорий йилда ҳам ўз бизнесини янада ривожлантириб, маҳсулот турларини кўпайтириш, ишчилар сафини кенгайтириш ниятида. Фулом аканинг худудда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги тақлифи банк ходимларига маълум тушиб, пухта бизнес-режа ишлаб чиқишига яқиндан кўмаклашишди. Шу тариқа қисқа муддатда 260 миллион сўм сармоа ажратилди. Хориждан 34 бош наслдор қорамол олиб келиб, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Ушбу молиявий кўмак оқўргонлик 10 нафар йигит-қизни иш билан таъминлайди.

қарор топса, ишда унум ва барака бўлади. "Микрокредитбанк"дан олинган 100 миллион сўм кредит эвазига, замонавий технологиялар асосида жиҳозланган нон цехини ишга тушириб, 6-7 турдаги нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яратилган 6 иш ўрнининг ҳаммасини ёшлар, коллеж битирувчилари эгаллади. Маҳсулотларимиз туман аҳолисига манзур бўлмоқда. Кредитдан самарали фойдаланаётганимиз боис, олган қарзимизни ҳеч бир қийинчиликсиз ўз вақтида қайтаряпмиз.

Хўжалик жорий йилда ҳам ўз бизнесини янада ривожлантириб, маҳсулот турларини кўпайтириш, ишчилар сафини кенгайтириш ниятида. Фулом аканинг худудда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги тақлифи банк ходимларига маълум тушиб, пухта бизнес-режа ишлаб чиқишига яқиндан кўмаклашишди. Шу тариқа қисқа муддатда 260 миллион сўм сармоа ажратилди. Хориждан 34 бош наслдор қорамол олиб келиб, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Ушбу молиявий кўмак оқўргонлик 10 нафар йигит-қизни иш билан таъминлайди.

— Бугунги кунда юртимиздаги беқийёс ўзгаришларни кўриб, қалбимиз ғурурга тўлаётди, шижоатимизга шижоат қўшилмоқда, — дейди Ф. Шойбеков. — Қишлоқ аҳолиси банкларнинг амалий ёрдами билан барча орзу-мақсадига эришаётганини айтмайсизми?! Ахир улар томорқа хўжалигида паррандачилик, асарличилик ва қорамолчилик билан шуғулланиб, оиласининг фаровонлигини юксалтирмоқдалар-да. Илгари бундай шароит бўлганми? Ҳатто тушимизга ҳам кирмаган. Шунинг учун уларга бўлган ишонч-чимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Банкларимизнинг жамиятдаги ўрни ва обрўси тобора ошаверса, барчамизга фойда. Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 24 йиллик айёми арафасида булар ҳақида сўзлаш янада мароқли. Ҳақиқатан ҳам, бугун қай бир жабҳада бўлмасин, қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. "Микрокредитбанк"нинг ажратётган сармоалари ва кўрсатётган хизматлари юртдошларимиз турмуш даражаси янада яхшиланиши ҳамда иқтисодий-тимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаётди.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Тараддуд

Боғларда байрам шуқуҳи

Мамлакатимиздаги маданият ва истироҳат боғларида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида "Бетақоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган байрам тадбирларини ўтказиш учун муносиб тайёргарлик қўрилаётди. Мақсад — оммавий-маданий тадбирлар савиясини кўтариш, аҳоли байрамни муносиб қутиб олиши учун барча шароитни яратиш.

Яқинда Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиздаги маданият ва истироҳат боғлари директорларининг республика тажриба алмасув семинари ташкил этилган ҳам моҳият-эътибор билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Семинар Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбир иштирокчилари боғ раҳбарлари ва ижодий ходимларга қўйилган талаблар, аттракционларнинг техник ҳолати, бадиий безатиш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини олиб бориш, ижодий тўғарақлар, тиббиёт, маънавият-тарғибот хоналарини ташкил этиш, тадбиркор ва ҳомийлар маблағларини жалб қилиш каби масалалар юзасидан Ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар. — Семинарнинг кейинги босқичлари шу йилнинг 6-7 август кунлари Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида, 14-15 август кунлари эса Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилиши режалаштирилган, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари Азамат Хайдаров. — Боғлар нафақат дам олиб, хордик чиқарадиган жой, балки маърифат, тарбия маскани ҳамдир. Миллий истиқлол ғоялари, авлоддан авлодга ўтиб келаётган маданий меросимиз, миллий санъатимизни тарғиб этишда маданият ва истироҳат боғларининг ўрни беқийёс. Шу боис миллий истиқлол, ватанпарварлик, юксак маънавият, буюк алломаларимиз, замонамиз қаҳрамонларини тарғиб этишдан баннер ва паннолар ўрнатиш, бадиий безатиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилади. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш, замонавий ва техник хавфсизлиги таъминланган аттракционлар билан таъминлаш, халқ сайиллари, кўрик-танлов ва фестивалларни тизимли ташкил этиш — доимий эътиборда. Бу жараёнда боғ ходимларининг касб малакасини ошириш, улар фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга, ёш истеъдод эгалларини кашф этиш, уларнинг ижодий ютуқларини кенг тарғиб қилади.

Семинар доирасида иштирокчилар истиқлол йилларида Қашқадарё вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, маданият масканлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Назокат АХМЕДОВА, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим муdiri

Шафтоли еган узоқ умр кўради

Хитойда шафтоли узоқ умр кўриш рамзи саналади. Бу бежиз эмас. Чунки бир стакан шафтоли шарбати таркибид...



Бундан ташқари, шафтоли таркибида саратон касаллиги ривожланишининг олдин...

Шафтоли шарбати, айниқса, болаларга фойдали. Ревматизм ва бош оғриғида шафтоли барги суви ёки қайнатмаси ичилади...

Шафтоли таркибида қанд кўп. Шу боис қандли диабет билан оғриган беморларга тақиқланади.

БИЛАСИЗМИ?

- Бир кеча-кундузда инсон танасидан чиққан иссиқлик 33 литр сувни қайнатишга етади.

ТУРФА ОЛАМ

Антиқа уй

Хитойнинг "Zhuda Group" компанияси уч ўлчамли принтерда чоп этилган модуллар асосида икки қаватли уй қурди.



Мазкур уй 9 магнитудали зилзилага ҳам чидамли. Уй уч ўлчамли принтерда чоп этилган олти панелдан иборат.

Бамбукли электростанция

"Fujisaki Electric" компанияси Японияда ёқилги ўрнида бамбук ишлатиладиган электростанция қуришни режалаштирмоқда.

Электростанцияни қуриш ишларини 2016 йилнинг январь ойида бошлаш ҳамда уни йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган.

Бамбук дунёдаги энг тез ўсадиган ўсимлик сифатида Гиннсинг рекордлар китобидан ўрин олган.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади

Боқий мерос

Эзгуликдан куйлар бахшининг сози

Бахши тилидан куйлиб келаётган сатрлар тингловчилар тасаввурини яна бир бор жонлантиради: ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик аҳамияти, эрк қадри, юрт ишқи, ёр васфи...



Эй, мустақил, улуг овоз авлодим, Бахту саодатинг муборак бўлсин. Меҳрибонлиг қилган улуг устозим, Бахту саодатинг муборак бўлсин.

Радиодан таралаётган Қаландар бахшининг бу айтими болалигимни ёдга солади. Наврўз сайлида катта издиҳомда дoston куйлаётган чўғирмали одам кўз олдимга келади.

Бахшининг овозини яна эшитгим, уни ижод оғушида кўргим, дostonларидан тинглагим келди. Сўраб-суриштириб, бахшини гилам бозоридан топдим.

БАХШИНИ БОР ЮРТИНИГ БОЛАСИ...

Чилдирма чалиб, беморларини даволайдиган аёлнинг ўзи дардига чора тополмасди. Турмуш ўртоғига наслининг давомчисини ҳақ қилолмаётганидан куюнарди.

...Олтинчи синфгача кокилимни ўриб қўйишарди, — сукутга кетади бахши, сўнг қулганча давом этади.

Қаландар жуда шўх эди, қариганда кўрган ёлғиз ўғлини тергаш ота учун ҳам маъқул эмасди. Бола саёхатни яхши кўрар, катта энасининг йўлга отланганини кўрди дегунча, этагининг баридан ушлаб олар, катта эна ҳам бир қўлида чилдирмасини, бир қўли билан жажжи Қаландарни етаклаб, болага қизиқ-қизиқ воқеаларни айтганча йўлга тушарди.

— Энамга бобонинг дуторини олиб беришини айтдим. Энам бош чайқади: "Болам-ов, бобойга дуторнинг ўрнига мени берсанг ҳам бер-

майди-ёв". Айтмичининг қўлидаги чолғу кўзимга оловдек кўрингани шунчаликки, ўзим тортинмасдан бориб бободан дуторни сўрадим.

ҚАДИМ ОХАНГ ОХАНГРАБОСИ

Шундан сўнг бола куй эшитилди дегунча чопқиллайдиган бўлди. Бир сафар у энаси билан Хивага тўйга борди.

— Катта издиҳом. Ўртада узун чопонининг устидан аскарларникидаи камар боғлаган Бола бахши. Қўлида тор. Дoston бошлади. У "Гўрўғли"ни айта-айти-ю, назаримда, унинг ўзи Гўрўғли эди.

Шундан сўнг Қаландар дostonларнинг ошиғига айланди. Куйга ошиқ бу бола бир кун келиб Бола бахшининг энг яхши шогирдига айланишини ҳали билмасди.

"СОЗ ОЛИШГА ПУЛИМ БЎЛМАГАН"

Қаландар дostonларни ўқийшни қанда қилмасди. Соз ҳақида орзу қилишдан тўхтамаганди. Мактабда ўқир, аммо фикр-хаёли пул топиб, тор олишда эди:

— Етар-етмас яшар эдик. Нашриётга харф терувчи бўлиб ишга кирдим. Маош 45 сўм. Тинмасдан китоб ўқиганим сабабли матнларни бехато ва тез терардим. Маош оладиган пайтда ойлигим 58 сўм чиқди.

"КИРҚҚА ЕТГАНДА "КИЙКНОМА"НИ АЙТДИМ"

Бахшига устозларидан бири "Қаландар, қирқ ёшдан олдин нима айтсанг айтиб қол, ундан кейин хотира сусаяди", деган эди.

Утган олти ой давомида нодавлат киностудиялар суратга олган 28 фильмнинг белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мослиги ўрганиб чиқилди.

ашулалардан ташқари, Махтумқули сўзи билан 100 дан ортиқ ашула куйлади. Ҳали бу синовда у дostonларни ҳисобга олмаган эди.

Кўшиқлар—халқимизнинг тарихи. Унда кўшиқ яратилган давр руҳи, халқнинг турмуши, орзу-хаёслари акс этади.

— Бир вақтнинг ўзида тўрт соат тинмай айтиладиган дoston бор, 208 банддан иборат. "Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам дostonи" 18 соат айтилади.

Отаси ожиз бўлиб қолганида бахши ҳали ўсмир ёшда эди. Бир куни кечаси онаси хавотирланиб, "отанг ташқарига чиққанда, қайтиб келмади", деди.

Шундан сўнг отасининг ёнидан бир қадам жилмади. Ота ташқарига чиқмоқчи бўлса, кўтариб чиқиб, кўтариб олиб кирарди.

—Отамнинг дуолари мени шу кунларга етказди", дейди бахши миҳжалари ёшланиб. Кейин яна ўйга толади...

САБР-ҚАНОАТЛИ ШОГИРД

— Гўрўғли ўлма, ҳо ўлма, Улинча ўзининг устидан аскарларникидаи камар боғлаган Бола бахши. Қўлида тор. Дoston бошлади.

Бола бахши саёхатни яхши кўрар, овулма-овул, юртма-юрт юриб дoston куйларди. Қаландар рўзгорини бут қилди, аммо ҳадеганда дostonдан кўнгил узолмагач, бахшининг кўнгилни овлаш пайида бўлди.

—Кирққа етганда "Кийкнома"ни айтдим

Бахшига устозларидан бири "Қаландар, қирқ ёшдан олдин нима айтсанг айтиб қол, ундан кейин хотира сусаяди", деган эди.

Гўзалой МАТЁҚУБОВА, журналист

Тадбир

Миллий матбуот марказида "Ўзбекино" Миллий агентлигининг миллий кинематография санъатини ривожлантириш масалалари га бўлишган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Аҳмад-жон Умаров ва бошқалар Президентини Ислоҳ Каримов раҳнамолигида кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги таъсирини кучайтириш, гоғий-бадий савиясини ошириш, уни замон талаблари асосида янада такомил-

Миллий кино

сарҳисоб ва натижа

лаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 11 май куни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Ўзбекистон миллий кинематография соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси" бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Агентлик буюртмасига асосан ишланган "Новда", "Болалик синновлари", "Ҳаётда...", "Шунқорлар", "Рўё" каби бадий фильм-

лар ҳамда "Тулқивойнинг тавбаси", "Сариштали уй - фариштали уй" мультфильмлари экранларга чиқди.

Утган олти ой давомида нодавлат киностудиялар суратга олган 28 фильмнинг белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мослиги ўрганиб чиқилди.

Утган олти ой давомида нодавлат киностудиялар суратга олган 28 фильмнинг белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мослиги ўрганиб чиқилди.

MILLIY TIKLANISH logo and contact information for the democratic party.

TAХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Агентликнинг 2014-2015 йилларга мўлжалланган ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқариш режасига биноан "Завол билмас умр", "Ўғлонлар", "Эҳтиром", "Из", "Уста", "Агар сен ҳақ бўлсанг...", "Санъатнинг бебаҳо хазинаси" каби ҳужжатли фильмлар устидаги ишлар ниҳоясига етказилди.

Хозирда 21 ҳужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмларини тайёрлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Publication details for Milliy Tiklanish magazine, including ISSN, contact info, and subscription rates.